

ЁШЛАРГА МУРОЖААТ

Бизни Туркистон ва Бухорода бир синф мухтарам ёшлар мавжуддурки, ҳукумат маҳкамаларинда тижоратхона, бонка ва корхоналарга котиб, таржимон, молфуруш ва даллоллик ёинки насячинлик ила машғулдурлар ва бу синф ахлининг адади бугун Бухоро ва Туркистонда мингларчадур. Ана ёшларга мурожаатдан мурод шу синф ахлидан бўлган ҳамватанларимизга бир неча калима арз килмокдур. Лутфан сўзимизни тингласалар, деб илтимос киламиз. Ва камоли эҳтиром ила ул жанобларга баён килармизки, сизлардан аксарингиз савки қадар ва ёинки савки табиат ила бир навъи бўлуб, русча бир оз ўқуб-ёзмокга ва ёинки факат сўйламокга кодир бўлубсиз ва бу озгина замоний билгу сабабидан вазифа олиб, енгиллик ва бир оз рифоҳият ила умр ўтқарурсизки, Тангри зиеда этсун!

Ва сизларни озгина илми замоний билганингиз, албатта, нафъ келтурди ва алхамдулиллох дини мубинга ҳам яхши муътакидсиз ва бу илмий замоний эътиқодингизни бузмади. Зотан исломият шундай бир дини матин ва қобили тараккийдурки, на қадар илми замоний кўб ўқуса, инсонни яна дини исломга шунча ақидаси мустаҳкам бўлур. Чунончи, илми замоний кўб ўқугон Оврупо уламоларини(нг) энг номдор ва давлатликларидан мусулмон бўлуб тургонлари жаридахонларга маълумдур. Бас, сабаб бўлдики, илми замоний исломиятга зарар килмок нари турсун фойда этар, энди матлабга келайлук.

Мухтарам биродарлар! Сиз хидмат килатургон доираларда сиздан катта ва сиздан оз ишлайдургон ва сизларга иш буюратургон кишилар борки, сиздан беш, хатто, йигирма дафъа зиеда вазифа олур. (Баъзи бонка ва тижоратхоналарда ойинда беш юз сўм, хатто минг сўм олатургон кишилар бор ва аларни тижорат мактабига ўқугони беш-олти йилгинадур.) Мунинг сабаби надур? Сизнинг кўл остингизда сиздан кўп ишлайдургон ва каттиг хидмат килатургон ва юк кўтара тургон мусулмон ва ё ўруслар борки, сиздан ҳам оз вазифа олур. Мунинг сабаби надур? Албатта, мунга жавоб берурсизки, бизни устимиздан қарайдургонларни(нг) «илми замоний»си биздан зиеда ва меҳнатқашларни илми бизга ҳам эмас. Мана сабаб шудур. Биз ҳам дермизки, жавобингиз дуруст. Бас, маълум бўлдики, ҳозирги замон ишларига хох тижорат ва ҳукумат ва санъатхоналарга бўлсун, кириб вазифа олмокга ва иш килмокга илми замоний деган нимарса лозим экан ва ҳар ким бақадар билгуси вазифа олур экан. Бас, сиз мухтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни, агарда хохласангизки, сиздан кўра тараккий этса, дин ва миллатга хизмат этса. (Дин ва миллатга хизмат илм ва окча ила бўлур.) Шу илми замонийни таҳсил килмок учун ҳаракат килмогингиз лозимдур. Ҳамватанларимиз мулкини сотиб тўй килганидек сиз-да, хатто, лозим бўлганда мулкингизни сотсангизда

Ўглингизни замонча ўкумокига саъй килсангиз. Тўйга исроф килинатургон окчаларни ўкумок йўлига сарф килсангиз! Замонча ўкутмок тарикасидан бошка маколада арз килинур.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 21-сон, 390—391-бетлар.